



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING B U Y R U G' I

2020 йил /3 апрель

73 -ум-сон

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида

ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари – фойдаланиш бўйича халқаро талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда адлия органи ва муассасаларининг, шу жумладан Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Қуйидагилар:

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида адлия органлари ва муассасаларининг юқори ва ўрта бўғин раҳбар ходимлари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари асосида баҳолаш услуги 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш услуги 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида адлия органлари ва муассасаларининг юқори ва ўрта бўғин раҳбар ходимлари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш натижаларига кўра “намунали” деб топилганда рағбатлантириш, “қониқарсиз” деб топилганда эса интизомий жазо чораларини кўриш амалиёти жорий қилинсин.

3. Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими (У.Мамаражабов):

адлия органлари ва муассасаларининг юқори ва ўрта бўғин раҳбар ходимлари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш натижалари тўғрисида ҳар йили 1 февралга қадар вазирлик раҳбариятига ахборот киритсин;

баҳолаш натижаларига кўра адлия органлари ва муассасалари кесимида “Коррупциясиз адлия органи” ва “Коррупциясиз адлия муассасаси” рейтингларини шакллантирсин ҳамда унларни адлия органлари, ва муассасаларининг ҳар йилги рейтинг натижаларига кўра янгилаб борсин.

4. “Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси (Ш.Яминов) Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими (У.Мамаражабов) билан биргаликда 2020 йил 1 август кунига қадар “Коррупциясиз адлия органи” ва “Коррупциясиз муассаса” электрон рейтинг дастурини ишлаб чиқсин.

5. Кадрлар бошқармаси (Ш. Кучкаров) Коррупцияга қарши курашиш соҳасида адлия органлари ва муассасаларининг юқори ва ўрта бўғин раҳбар ходимлари фаолиятини самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари асосида баҳолаш натижаларига кўра “қоникарли” деб топилганда рағбатлантириш, “қоникарсиз” деб топилганда эса интизомий жазо чораларини кўриш бўйича таклиф киритсин.

6. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (Ў. Назаров) мазкур буйруқни вазирлик таркибий бўлинмаларига етказилишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

Тошкент ш.



Р. Давлетов

**Коррупцияга қарши курашиш соҳасида адлия органлари
ва муассасаларининг юқори ва ўрта бўғин раҳбар ходимлари фаолияти
самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари асосида баҳолаш
УСЛУБИЁТИ**

Мазкур Услубиёт коррупцияга қарши курашиш соҳасида адлия органлари ва муассасаларининг юқори ва ўрта бўғин раҳбар ходимлари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари асосида баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубиётнинг асосий мақсади Адлия вазирлиги, ҳудудий бошқармалари (шу жумладан, туман (шаҳар) адлия бўлимлари) ва Вазирликка идоравий мансуб идораларнинг юқори ва ўрта бўғин раҳбар ходимларининг коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва ошириш бўйича тегишли чораларни кўриш ҳисобланади.

2. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида адлия органлари ва муассасаларининг юқори ва ўрта бўғин раҳбар ходимлари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш (кейинги ўринларда Баҳолаш деб юритилади) ушбу Услубиёт ва унга иловага мувофиқ Адлия вазирлиги тизимидаги юқори ва ўрта бўғин раҳбар ходимларининг коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими асосида ташкил этилади.

3. Мазкур Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ижобий кўрсаткичлар – кўрсаткич даражасининг ортиб боришига мос равишда юқори баҳоланадиган кўрсаткичлар;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупциявий хавф-хатар – адлия органлари ва муассасалари ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан адлия органлари ва муассасалари номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

салбий кўрсаткичлар – кўрсаткич даражасининг ортиб боришига мос равишда паст баҳоланадиган кўрсаткичлар.

4. Коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш қонунийлик, ошкоралик, холислик, адолатлилик, тенглик ва шаффофлик принципларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

5. Адлия органлари ва муассасаларининг идоравий коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчилари коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари юзасидан умумлаштирилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимига (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) тақдим этиш учун масъул ҳисобланади.

6. Баҳолаш Бўлим томонидан мазкур Услубиёт асосида йил якуни бўйича амалга оширилади.

2-боб. Баҳолашга оид кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш тартиби

7. Баҳолаш ва ҳисоблаш қуйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилади:

а) адлия органи (муассасаси) томонидан коррупцияга қарши курашиш дастури ижро қилиниши;

б) адлия органи (муассасаси)да коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар олиш бўйича ички ва ташқи алоқа каналларининг ишлаш ҳолати:

жисмоний ва юридик шахслардан алоқа каналлари орқали коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича келиб тушган мурожаатлар;

адлия органи (муассасаси) ходимларининг коррупциявий ҳаракатлари тўғрисидаги мурожаат ва хабарларнинг асослилиги;

в) коррупциявий хавф-хатарларни мунтазам баҳолашда иштирок этиш (хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни минималлаштириш бўйича таклифлар):

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш;

аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар бўйича чоралар кўриш;

г) адлия органи(муассасаси)да ходимлар ўз вақтида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларини ўташи;

д) адлия органи (муассасаси) ходимлари томонидан аниқланган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида тўғридан-тўғри хабар бериш;

е) адлия органи (муассасаси)да манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш;

ж) адлия органи (муассасаси)нинг юқори ва ўрта бўғин раҳбарларининг коррупцияга қарши курашиш масалаларида оммавий ахборот воситаларида чиқишлари;

з) адлия органи (муассасаси) томонидан давлат харидларини амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш (баргараф этиш):

коррупцияга қарши шартларни шартномаларда назарда тутиш;

адлия органи (муассасаси) томонидан давлат харидларини амалга оширишда ички тартиб қоидаларга риоя қилиш;

и) адлия органи (муассасаси) ходимлари томонидан хизмат фаолиятини олиб бориш жараёнида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир қилиш;

к) адлия органи (муассасаси)даги одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан қабул қилинган қарорларнинг самарадорлиги.

1-§. Адлия органи (муассасаси)нинг коррупцияга қарши курашиш дастурини ижро қилиниши кўрсаткичини ҳисоблаш

8. Адлия органи (муассасаси)нинг коррупцияга қарши курашиш дастури ижро этилган вазифалар ҳажми куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_1 = (D_{ич} / D_{жч}) \times 100$$

бунда:

K_1 – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$D_{ич}$ – Коррупцияга қарши курашиш бўйича тасдиқланган дастурнинг ижро этилган чора-тадбирлари сони;

$D_{жч}$ – Коррупцияга қарши курашиш бўйича тасдиқланган дастурнинг жами чора-тадбирлари сони.

2-§. Адлия органи (муассасаси)да коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар олиш бўйича ички ва ташқи алоқа каналларининг ишлаш ҳолати кўрсаткичини ҳисоблаш

9. Адлия органи (муассасаси)да коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар олиш бўйича ички ва ташқи алоқа каналларининг (“1008” Ишонч телефони, расмий веб-сайт, ходимларнинг хизмат телефонлари ва бошқалар) ишлаш ҳолати самарадорлигини аниқлаш мақсадида:

а) жисмоний ва юридик шахслардан алоқа каналлари орқали коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича келиб тушган мурожаатларнинг ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{2.1} = (A_{\text{км}} / A_{\text{ус}}) \times 100$$

бунда:

$K_{2.1}$ – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$A_{\text{км}}$ – адлия органи (муассасаси)га ҳамда Бўлимга келиб тушган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида мурожаатларнинг умумий сони;

$A_{\text{ус}}$ – адлия органи (муассаса)нинг умумий ходимлар сони;

б) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида асосли мурожаатларнинг ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{2.2} = (A_{\text{ам}} / A_{\text{км}}) \times 100$$

бунда:

$K_{2.2}$ – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$A_{\text{ам}}$ – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида асосли мурожаатларнинг сони;

$A_{\text{км}}$ – адлия органи (муассасаси)га ҳамда Бўлимга келиб тушган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида мурожаатларнинг умумий сони.

3-§. Адлия органи (муассасаси)да коррупциявий хавф-хатарларни мунтазам баҳолашда иштирок этиш (хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни минималлаштириш бўйича таклифлар) кўрсаткичини ҳисоблаш

10. Адлия органи (муассасаси)да коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўтказиш ва мувофиқлаштириш (хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни минималлаштириш бўйича таклифлар) самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида:

а) адлия органи (муассасаси)да коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижаларига асосан аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{3.1} = (X_{\text{ус}} / \Phi_{\text{ус}}) \times 100$$

бунда:

$K_{3.1}$ – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$X_{\text{ус}}$ – аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг умумий сони;

Φ_{yc} – адлия органи (муассасаси) функцияларининг умумий сони;

б) адлия органи (муассасаси)да аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг кўрилган чоралар ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{3.2} = (X_{чк} / X_{yc}) \times 100$$

бунда:

$K_{3.2}$ – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$X_{чк}$ – адлия органи (муассасаси)да аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар бўйича кўрилган чораларнинг умумий сони;

X_{yc} – адлия органи (муассасаси)да аниқланган хавф-хатарларнинг умумий сони.

4-§. Адлия органи (муассасаси)да ходимлар ўз вақтида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларини ўташ кўрсаткичини ҳисоблаш

11. адлия органи (муассасаси)да коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларидан ўтган ходимлар ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_4 = (A_{ўм} / A_{yc}) \times 100$$

бунда:

K_4 – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$A_{ўм}$ – адлия органлар ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларидан ўтган ходимларнинг умумий сони;

A_{yc} – адлия органлари ва муассасалари ходимларининг умумий сони.

5-§. Адлия органи (муассасаси) ходимлари томонидан аниқланган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида тўғридан-тўғри хабар бериш кўрсаткичини ҳисоблаш

12. Адлия органи (муассасаси) ходимлари томонидан Бўлимга тақдим этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарларнинг ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_5 = (K_{хс} / K_{yc}) \times 100$$

бунда:

K_5 – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$K_{хс}$ – адлия органи (муассасаси) ходимлари томонидан Бўлимга тақдим этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарларнинг сони;

K_{yc} – адлия органи (муассасаси)да содир қилинган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг умумий сони.

6-§. Адлия органи (муассасаси)да манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш кўрсаткичини ҳисоблаш

13. Адлия органи (муассасаси)да аниқланган манфаатлар тўқнашувини тартибга солинмаганлик ҳолатларининг ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_6 = (M_{\text{тх}} / M_{\text{ус}}) \times 100$$

бунда:

K_6 – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$M_{\text{тх}}$ – адлия органи (муассасаси)да аниқланган манфаатлар тўқнашуви тартибга солинмаганлик ҳолатларининг умумий сони;

$M_{\text{ус}}$ – адлия органи (муассасаси)да аниқланган манфаатлар тўқнашувининг умумий сони.

7-§. Адлия органи (муассасаси)нинг юқори ва ўрта бўғин раҳбарларининг коррупцияга қарши курашиш масалаларида оммавий ахборот воситаларида чиқишлари кўрсаткичини ҳисоблаш

14. Адлия органи (муассасаси)нинг юқори ва ўрта бўғин раҳбарларининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича медиа режага мувофиқ амалга оширилган тарғиботлар ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_7 = (P_{\text{ич}} / P_{\text{ус}}) \times 100$$

бунда:

K_7 – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$P_{\text{ич}}$ – Коррупцияга қарши курашиш бўйича медиа режанинг ижро этилган чора-тадбирлар сони;

$P_{\text{ус}}$ – Коррупцияга қарши курашиш бўйича медиа режада белгиланган чора-тадбирларнинг умумий сони.

8-§. Адлия органи (муассасаси) томонидан давлат харидларини амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш (бартараф этиш) кўрсаткичини ҳисоблаш

15. Адлия органи (муассасаси) томонидан давлат харидларини амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш (бартараф этиш) бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида:

а) коррупцияга қарши шартлар кўрсатилган адлия органлари (муассасалари) ва давлат хариди иштирокчилари билан ўзаро тузилган шартномаларнинг ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{8.1} = (Z_{кш} / Z_{yc}) \times 100$$

бунда:

$K_{8.1}$ – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$Z_{кш}$ – коррупцияга қарши шартлар кўрсатиб ўтилган шартномаларнинг умумий сони;

Z_{yc} – давлат хариди иштирокчилари билан ўзаро тузилган шартномаларнинг умумий сони.

б) Бўлим томонидан ўтказилган текширувлар натижасида, Адлия органлари ва муассасалари томонидан давлат харидларини амалга оширишга оид белгиланган талабларининг бузилганлик ҳолатларининг ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{8.2} = (Z_{кб} / Z_{yc}) \times 100$$

бунда:

$K_{8.2}$ – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$Z_{кб}$ – Бўлим томонидан ўтказилган текширувлар натижасида Адлия органлари ва муассасалари томонидан давлат харидларини амалга ошириш доирасида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини текшириш жараёни бўйича йўриқнома талаблари бузилганлик ҳолатларининг сони;

Z_{yc} – давлат харид иштирокчилари билан ўзаро тузилган шартномаларнинг сони.

9-§. Адлия органи (муассасаси) ходимлари томонидан хизмат фаолиятини олиб бориш жараёнида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир қилиш кўрсаткичини ҳисоблаш

16. Адлия органи (муассасаси) ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этган ходимлар ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_9 = (Ж_{сх} / A_{yc}) \times 100$$

бунда:

K_9 – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$Ж_{сх}$ – адлия органи (муассасаси)да коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этган ходимлар сони;

A_{yc} – адлия органи (муассасаси) ходимларининг жами сони.

**10-§. Адлия органи (муассасаси)даги
Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан қабул қилинган қарорларнинг
самарадорлиги кўрсаткичини ҳисоблаш**

17. Адлия органи (муассасаси)да Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан такроран одоб-ахлоқ қоидалари бузилиш ҳолатлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{10} = (K_{\text{тк}} / K_{\text{ус}}) \times 100$$

бунда:

K_{10} – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$K_{\text{тк}}$ – Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан такроран одоб-ахлоқ қоидалари бузилиш ҳолатлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг сони;

$K_{\text{ус}}$ – Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузилиши бўйича чиқарилган қарорларнинг умумий сони.

3-боб. Баҳолаш тартиби

18. Расмий статистик маълумотлар ушбу Услубиётда назарда тутилган масъул ижрочилар томонидан йил якуни бўйича келгуси йил 1 февраль кунига қадар Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимига киритилиши шарт.

19. Бўлим томонидан баҳолаш натижаларига мувофиқ равишда қуйидаги рейтинг баллари бўйича баҳоланади:

9 баллдан 10 баллгача – “намунали”;

7 баллдан 9 баллгача – “яхши”;

5 баллдан 7 баллгача – “қониқарли”;

5 баллгача – “қониқарсиз” деб топилади.

20. Мазкур Услубиёт бўйича аниқланган кўрсаткичлар ижобий ва салбий кўрсаткичларга эга бўлади.

Ижобий кўрсаткичлар: $K_1, K_{3.1}, K_{3.2}, K_4, K_7$ ва $K_{8.1}$;

Салбий кўрсаткичлар: $K_{2.1}, K_{2.2}, K_5, K_6, K_{8.2}, K_9$ ва K_{10} .

21. Баҳолашнинг ижобий ва салбий кўрсаткичлар бўйича ўлчов бирлигига нисбатан берилган баллар жамланмаси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$B_{\text{фс}} = \frac{[B_{\text{иб}} + B_{\text{сб}}] \times 13}{B_{\text{мах}}}$$

бунда:

$B_{\text{фс}}$ – Адлия органи (муассасаси)нинг коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи миқдори (балл)

$B_{иб}$ – ижобий кўрсаткичларнинг жамланмасининг кўрсаткич миқдори (балл).

$B_{сб}$ – салбий кўрсаткичларнинг жамланмасининг кўрсаткич миқдори (балл).

B_{max} – кўрсаткичларнинг максимал балл миқдори.

22. Тегишли адлия органлари (муассасалари)нинг рейтинг балларига бир хил бўлган тақдирда, $K_{3.1}$, $K_{3.2}$, $K_{8.2}$ ва K_9 кўрсаткичлари бўйича олинган ўртача балл миқдоридан келиб чиқиб, ушбу кетма-кетлик асосида яхшироқ бўлган ҳудудларга юқорироқ ўрин белгиланади.

4-боб. Яқуний қондалар

23. Ушбу Услубиёт қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тузатилиши керак:

коррупцияга қарши курашиш амалдаги сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда;

коррупцияга қарши курашиш самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда ва адлия органлари ва муассасалари фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;

вазирлик тизимининг ташкилий тузилмаси ва (ёки) адлия органлари ва муассасалари томонидан ўз вазифаларини бажариши хусусиятлари ва бошқалар ўзгарганда.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида адлия органлари ва муассасаларининг юқори ва ўрта бўлин раҳбар ходимлари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари асосида баҳолаш услубиётига илова

Адлия вазирлиги тизимидаги юқори ва ўрта бўлин раҳбар ходимларининг коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ТИЗИМИ

Т/р	Кўрсаткич	Ўлчов Бирлиги	Кўрсаткични баҳолаш мезонлари	Кўрсаткични баҳолаш	Маялмуотларни тақдим этиш учун масъул ўрта бўлин раҳбарлар
1.	Адлия органи (муассасаси) томонидан тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш дастури ижро килиниши.	Фоиз	Адлия органи (муассасаси) томонидан тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш дастури ижроси куйидати фоиз миқдориди таъминланганда: 90 фоизидан 100 фоизгача – 1 балл; 70 фоиздан 90 фоизгача – 0,5 балл; 0 фоиздан 69 фоизгача – 0 балл билан баҳоланади.	0 баллдан 1 баллгача	Дастурда белгиланган ижрочилар
2.	Адлия органи (муассасаси)да коррупцияга оид хужукбузарликларга қарши кураш масалалари бўйича ички ва ташқи алоқа каналларининг ишланш ҳолати.	–	2.1 ва 2.2-бандларнинг йиғиндиси асосида баҳоланади.	0 баллдан 2 баллгача	Ташкилий-назорат ва тахлил бошқармаси/ Ташкилий-назорат ва тахлил бўлимлари
	1. Жисмоний ва юридик шахслардан алоқа каналлари орқали коррупцияга оид	Фоиз	Коррупцияга оид хужукбузарликлар тўғрисида келиб тушган муурожаатларнинг адлия органи (муассасаси) ходимлар	0 баллдан 1 баллгача	Ташкилий-назорат ва тахлил бошқармаси/ Ташкилий-назорат

<p>Хукукбузарликлар буйича келиб тушган мурожаатлар.</p>		<p>сонига нисбати куйидаги фоиз миқдорни кўрсатган тақдирда: 0 фоиз – 1 балл; 0 фоиздан 10 фоизгача – 0,5 балл; 10 фоиздан 100 фоизгача – 0 балл билан баҳоланади.</p>		<p>ва тахлил бўлиmlари</p>
<p>2. Адлия органи (муассасаси) ходимларининг коррупциявий харакаглари тўғрисидаги мурожаат ва хабарларнинг асослилиги.</p>	<p>Фoиз</p>	<p>Адлия органи(муассасаси)га ҳамда Бўлимга келиб тушган жами мурожаат ва хабарлардан куйидаги фоиз миқдорда асосли эканлиги аниқланганда: 10 фоиздан 100 фоизгача – 1 балл; 1 фоиздан 10 фоизгача – 0,5 балл; 0 фоиз – 1 балл билан баҳоланади.</p>	<p>0 баллдан 1 баллгача</p>	<p>Тапқилий-назорат ва тахлил бошқармаси/ Тапқилий-назорат ва тахлил бўлиmlари</p>
<p>3. Коррупциявий хавф-хатарларни мунтазам баҳолашда иштирок этиш (хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни минималлаштириш бўйича тақлифлар).</p>	<p>–</p>	<p>3.1 ва 3.2-бандларнинг йиғиндиси асосида баҳоланади.</p>	<p>0 баллдан 2 баллгача</p>	<p>Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича ишчи гуруҳлар</p>
<p>1. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш.</p>	<p>Фoиз</p>	<p>Адлия органи(муассасаси)нинг функцияларидаги аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг салмоғи куйидаги фоиз миқдорда тапқил эгтан тақдирда: 80 фоиздан 100 фоизгача – 1 балл; 60 фоиздан 79 фоизгача – 0,5 балл; 0 фоиздан 59 фоизгача – 0 балл билан баҳоланади.</p>	<p>0 баллдан 1 баллгача</p>	<p>Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича ишчи гуруҳлар</p>
<p>2. Аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар бўйича чоралар кўриш.</p>	<p>Фoиз</p>	<p>Адлия органи (муассасаси)нинг аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар бўйича кўрилган чораларнинг салмоғи куйидаги фоиз миқдорда тапқил эгтан</p>	<p>0 баллдан 1 баллгача</p>	<p>Адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари</p>

		<p>тақдирда: 100 фоиз – 1 балл; 80 фоиздан 99 фоизгача – 0,5 балл; 0 фоиздан 79 фоизгача – 0 балл билан баҳоланади.</p>		
<p>4. Адлия (муассасаси)да ходимлар ўз вақтида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларини ўташи.</p>	<p>Фоиз</p>	<p>Адлия органи (муассасаси)да коррупцияга қарши курашиш ўқув машғулотларидан ўтган ходимларнинг куйидаги фоиз миқдорини ташқил этган тақдирда: 100 фоиз – 1 балл; 70 фоиздан 99 фоизгача – 0,5 балл; 0 фоиздан 69 фоизгача – 0 балл билан баҳоланади.</p>	<p>0 баллдан 1 баллгача</p>	<p>Идоравий коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи</p>
<p>5. Адлия органи (муассасаси) ходимлари томонидан аниқланган коррупцияга оид хужукбузарликлар тўғрисида тўғридан-тўғри хабар бериш.</p>	<p>Фоиз</p>	<p>Адлия органи (муассасаси)да аниқланган коррупцияга оид хужукбузарликлар тўғрисида тўғридан-тўғри хабар адлия органи (муассасаси)нинг ходимларнинг куйидаги фоиз миқдори тўғрисида ташқил этган тақдирда: 100 фоиз – 1 балл; 70 фоиздан 99 фоизгача – 0,5 балл; 0 фоиздан 69 фоизгача – 0 балл билан баҳоланади.</p>	<p>0 баллдан 1 баллгача</p>	<p>Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими/идоравий коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи</p>
<p>6. Адлия (муассасаси)да органи манфаатлар тўғрисида манфаатлар тўғрисида тўғридан-тўғри хабар бериш кўрсаткичи.</p>	<p>Фоиз</p>	<p>Адлия органи (муассасаси)да аниқланган манфаатлар тўғрисида орасида тартибга солинмаган ҳолатларнинг салмоғи куйидаги фоиз миқдорини ташқил этган тақдирда: 0 фоиз – 1 балл; 0 фоиздан 30 фоизгача – 0,5 балл;</p>	<p>0 баллдан 1 баллгача</p>	<p>Қадрлар бошқармаси/ Қадрлар бўлими</p>

		31 фойздан 100 фойзгача – 0 балл билан баҳоланади.		Жамоатчилик билан алоқалар бўлими/ Хукукий тарғибот ва маърифат бўлиmlари
7. Адлия (муассасаси)нинг юқори ва ўрта бўғин раҳбарлари томонидан қарши масалаларида ахборот ачиқиши.	Фоиз	Коррупцияга қарши курашиш бўйича медиа режанинг ижроси кўйидаги фойз миклорини ташкил этган тақдирда: 100 фойз – 1 балл; 70 фойздан 99 фойзгача – 0,5 балл; 0 фойздан 69 фойзгача – 0 балл билан баҳоланади.	0 баллдан 1 баллгача	
8. Адлия органи (муассасаси) томонидан харидларини оширишда хавф-хатарларни минималлаштириш (бартараф этиш)	фоиз	8.1 ва 8.2-бандларнинг йиғиндиси асосида баҳоланади.	0 баллдан 2 баллгача	Ишлар бошкармаси/Хўжалик фаолияти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими
1. Коррупцияга қарши шартларнинг шартномаларда назарда тутиш кўрсаткичи.	Фоиз	Адлия органи (муассасаси)да давлат харидларини амалга оширишда шартномаларда коррупцияга қарши шартларнинг назарда тутилган ҳолатларнинг салмоғи кўйидаги фойз миклорини ташкил этган тақдирда: 100 фойз – 1 балл; 50 фойздан 99 фойзгача – 0,5 балл; 0 фойздан 49 фойзгача – 0 балл.	0 баллдан 1 баллгача	Ишлар бошкармаси/Хўжалик фаолияти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими
2. Адлия (муассасаси) томонидан давлат харидларини амалга ошириш ички тартиб қоидаларга риоя қилиш.	Фоиз	Давлат харид тартиб-тамоиллари бўйича белгиланган тартибларни бузганлик ҳолатларнинг салмоғи кўйидаги фойз миклорини ташкил этган тақдирда: 0 фойз – 1 балл; 1 фойздан 60 фойзгача – 0,5 балл;	0 баллдан 1 баллгача	Ишлар бошкармаси/Хўжалик фаолияти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими

			61 фойздан 100 фойзгача – 0 балл билан баҳоланади.		
9.	Адлия органи (муассасаси) ходимлари томонидан хизмат фаоллигини олиб борishi жараёнида коррупцияга оид хукукбузарликлар содир килиш.	Фоиз	Адлия органи (муассасаси)да коррупцияга оид хукукбузарликлар содир килган ходимларнинг салмоғи куйидаги фойз миқдорини ташқил этган тақдирда: 0 фойз – 1 балл; 1 фойздан 100 фойзгача – 0 балл билан баҳоланади.	0 баллдан 1 баллгача	Кадрлар бошқармаси/Кадрлар бўлими
10.	Адлия органи (муассасаси)даги одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан қабул қилинган қарорларнинг самарадорлиги.	Фоиз	Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлик ҳолатлари бўйича чиқарилган қарорлар ичида тақрорий қоида бузилгани ҳолатларининг салмоғи куйидаги фойз миқдорини ташқил этган тақдирда: 0 фойз – 1 балл; 1 фойздан 60 фойзгача – 0,5 балл; 61 фойздан 100 фойзгача – 0 балл.	0 баллдан 1 баллгача	Кадрлар бошқармаси/кадрлар бўлими

Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш УСЛУБИЁТИ

Мазкур Услубиёт Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари асосида баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Услубиётнинг асосий мақсади Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими (кейинги ўринларда бўлим деб юритилади) фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва ошириш бўйича тегишли чоралар кўриш ҳисобланади.

2. Бўлим фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш (кейинги ўринларда баҳолаш деб юритилади) ушбу Услубиёт ва унинг иловасига мувофиқ Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тизими асосида ташкил этилади.

3. Мазкур Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ижобий кўрсаткичлар – кўрсаткич даражасининг ортиб боришига мос равишда юқори баҳоладиган кўрсаткичлар;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупциявий хавф-хатар – адлия органлари ва муассасалари ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан адлия органлари ва муассасалари номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

салбий кўрсаткичлар – кўрсаткич даражасининг ортиб боришига мос равишда паст баҳоланадиган кўрсаткичлар.

4. Баҳолаш қонунийлик, ошкоралик, холислик, адолатлилиқ, тенглик ва шаффоқлик принципларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

5. Баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Кадрлар бошқармаси томонидан йил якуни бўйича амалга оширилади.

2-боб. Баҳолашга оид кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш тартиби

6. Баҳолаш ва ҳисоблаш қуйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилади:

Адлия вазирлиги фаолиятига доир қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ҳамда хавф-хатарларни қайта баҳолаш натижасида ички ҳужжатларининг ўз вақтида янгиланишини таъминлаш;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури ижросини мониторинг қилиш;

Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ижросини мониторинг қилиш;

Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни мувофиқлаштириш ва ўтказиш (хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни минималлаштириш бўйича таклифлар);

Адлия вазирлиги марказий аппаратининг барча ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув машғулотларидан ўтишини таъминлаш;

адлия органлари ва муассасаларининг барча ходимларини коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талабларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ўз вақтида таништириш;

ходимлар томонидан аниқланган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида тўғридан-тўғри тақдим этилган хабарлар бўйича ўз вақтида чора кўриш;

Бўлимга ходимлар томонидан аниқланган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида келиб тушган хабарлар бўйича амалга оширилган тадбирларни амалга ошириш;

Адлия вазирлиги тизимида ходимлар томонидан хизмат фаолиятини олиб бориш жараёнида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиши;

Бўлим томонидан коррупцияга қарши курашиш масалаларида оммавий ахборот воситаларида чиқиш;

Бўлим томонидан ўтказилган текширишлар самарадорлигига эришиш.

1-§. Адлия вазирлиги фаолиятига доир қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ҳамда хавф-хатарларни қайта баҳолаш натижасида ички ҳужжатларни ўз вақтида янгилашни таъминлаш кўрсаткичини ҳисоблаш

7. Бўлим томонидан Адлия вазирлиги фаолиятига доир қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ҳамда хавф-хатарларни қайта баҳолаш натижасида ўз вақтида янгиланган ички ҳужжатларнинг ҳажми куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$A_1 = (I_{\dot{y}k} / I_{yc}) \times 100$$

бунда:

A_1 – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$I_{\dot{y}k}$ – Адлия вазирлиги фаолиятига доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда хавф-хатарларни қайта баҳолаш натижасида ўзгартириш ва қўшимча киритилган ички ҳужжатларнинг умумий сони;

I_{yc} – Адлия вазирлиги фаолиятига доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда хавф-хатарларни қайта баҳолаш натижасида ўзгартириш ва қўшимча киритилиши лозим бўлган ички ҳужжатларнинг умумий сони.

2-§. Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури ижросини мониторинг қилиш кўрсаткичини ҳисоблаш

8. Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижро этилган ҳажми куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$A_3 = (D_{\dot{b}t} / D_{yc}) \times 100$$

бунда:

A_3 – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$D_{\dot{b}t}$ – Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижро этилган сони;

D_{yc} – Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида Адлия вазирлигига юклатилган вазифаларнинг умумий сони.

3-§. Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ижросини мониторинг қилиш кўрсаткичини ҳисоблаш

9. Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурининг ижро этилган вазифалар ҳажми куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$A_2 = (D_{iz} / D_{yc}) \times 100$$

бунда:

A_2 – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$D_{из}$ – Адлия вазирлигининг ҳар йилги коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурининг бажарилган чора-тадбирларнинг сони;

$D_{ус}$ – Адлия вазирлигининг ҳар йилги коррупцияга қарши курашиш дастурининг умумий чора-тадбирлар сони.

4-§. Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўтказиш ва мувофиқлаштириш (хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни минималлаштириш бўйича таклифлар) кўрсаткичини ҳисоблаш

10. Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижаларига асосан аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича кўрилмаган чоралар ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$A_4 = (X_{кч} / X_{ус}) \times 100$$

бунда:

A_4 – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$X_{кч}$ – аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича кўрилмаган чоралар сони;

$X_{ус}$ – адлия органлари ва муассасаларида белгиланган муддатларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг умумий сони.

11. Адлия органлари ва муассасаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўтказиш ва мувофиқлаштириш (хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни минималлаштириш бўйича таклифлар) самарадорлигини таҳлил қилиш ушбу Услубиётнинг 10-бандига мувофиқ қуйидагича амалга оширилади:

а) Адлия вазирлигининг марказий аппаратида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижаларига асосан аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича кўрилмаган чоралар ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$A_{4.1} = (X_{кч} / X_{ма}) \times 100$$

бунда:

$A_{4.1}$ – кўрсаткич миқдори (фоизда);

$X_{кч}$ – аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича кўрилмаган чоралар сони;

$X_{ма}$ – Адлия вазирлигининг марказий аппаратида белгиланган муддатларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг умумий сони;

